

8-1-2021

THE NEED TO MOVE TO INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS IN UZBEKISTAN

Sultonali Mekhmonov Prof.
Tashkent Institute of Finance

Nurbek Rizayev Prof.
Tashkent Institute of Finance

Rustamova
Tashkent Institute of Finance

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Mekhmonov, Sultonali Prof.; Rizayev, Nurbek Prof.; and Rustamova (2021) "THE NEED TO MOVE TO INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS IN UZBEKISTAN," *International Finance and Accounting*: Vol. 2021 : Iss. 4 , Article 17.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2021/iss4/17>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

*Проф. Султонали Мехмонов, проф. Нурбек Ризаев, Рустамова
Тошкент молия институти*

ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШ ЗАРУРИЯТИ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4611-сонли қарорига асосан Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби тизимини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқлаштириш ва ўтказишнинг зарурияти ва аҳамияти, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шунингдек юзага келган муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Таянч сўзлар: Бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти, тадбиркорлик субъекти, молиявий ҳисобот, бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти, сўтлар режаси, дастурий маҳсулот.

THE NEED TO MOVE TO INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS IN UZBEKISTAN

Abstract: In this article, in accordance with the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 24, 2020 No 4611 "On additional measures for the transition to international financial reporting standards" measures, as well as feedback on the problems encountered and their solutions.

Keywords: Accounting, International Financial Reporting Standard, Business Entity, Financial Reporting, National Accounting Standard, Chart of Accounts, Software.

“... Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз”.

Шавкат Мирзиёев

Кириш

Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби тизимини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтказиш жараёни масъулиятли ва оғир синов ҳисобланди. Бу эса биздан янада бу ишга қатъятлик билан ёндошиш ҳамда кенг мушоҳада билан иш юритишимизни талаб этмоқда. Масалан, ҳар қандай тадбиркорлик субъектининг молия-хўжалик фаолияти ҳолати ва молиявий натижалари ҳақидаги маълумотларни олиш, бошқача айтганда корхонага “тўғри ташҳис” қўйиш муҳимдир. Зеро, “тўғри ташҳис” натижасида олинган корхона ҳақидаги изчил маълумот келгусида таъсирчан ва самарали бошқарув қарорларини қабул учун асос бўлиб хизмат қилади. Молиявий ҳолат ва молиявий натижани ўз ичига олувчи маълумотларни ҳисоботлар ҳолатида шакллантириш ишларини, албатта, корхоналарда молиявий ҳисобчилар ёки бухгалтерлар бажарадилар. Жаҳонда юз берган глобал

пандемия таъсирини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар асосида иқтисодиётимиз аста-секинлик билан барқарорлашиб бормоқда. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4611-сонли қарорига асосан 2021 йил 1 январдан бошлаб, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган корхоналар МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтишининг зарурияти шундаки, республикадаги мавжуд акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотларининг молиявий фаолияти ҳақида хорижий инвесторларни ишончли ва зарур ахборотлар билан таъминлаш, корхоналарни халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ва ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлашдан иборат.

Адабиётлар шарҳи

Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига ўтиш ва унинг тамойилларини миллий иқтисодиётга қўллашда турли олимлар томонидан турли шарҳларни кузатиш мумкин. Масалан, Ташназаров (2016) мавзу доирасида қуйидагиларни таъкидлайди: “Ҳозирги кунда корпоратив бошқарувга асосланган акциядорлик жамиятларида халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботни тузишга ўтилмоқда. Бу эса бевосита халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботни тузиш ёки миллий стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботни халқаро стандартларга трансформация қилиш орқали эришилиши мумкин. Биринчи йўл халқаро стандартлар асосида тўғри ва сифатли молиявий ҳисобот тузишга эришилиши таъминлайди.

Иккинчи йўлда эса трансформация жараёнида кўплаб муаммо ва тўсиқларга дуч келиш мумкин. Лекин иккита йўлнинг ечимида ҳам халқаро стандартларнинг мазмун ва моҳиятини чуқур ўрганиш, унинг методологик масалаларини қўллаш олиш, миллий стандартларимизни имкон қадар халқаро стандартларга мувофиқлаштиришимиз, дунё университетларида ўқитилаётган «Молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи» фанини ўрганишимиз, инглиз тилидаги адабиётларни ўзбек тилига таржима қилишимиз, бухгалтерия ҳисоби соҳасида халқаро атамаларни қабул қилишимиз, амалиётчи ходимлар ва илмий тадқиқотчиларни хорижий мамлакатларда тажриба алмашилишини ташкил этишимиз, амалиётчи бухгалтерларни сертификатлаш ишларини йўлга қўйишимиз керак бўлади”.

Каримов (2020) республикада олиб борилаётган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш юзасидан қуйидагиларни келтириб ўтишган: “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш юзасидан тажриба-синов олий таълим муассасаси сифатида белгиланган

Тошкент молия институтида қарор асосида ишлаб чиқилган “Йўл харитаси”да кўрсатиб ўтилган қатор чора-тадбирларнинг босқичма-босқич ижроси таъминланмоқда. Масалан, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, Аудитнинг халқаро стандартлари, Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, Бюджет ҳисобининг халқаро стандартлари каби фанлар бўйича ўқув ва ишчи ўқув дастур (силлабус)лари ишлаб чиқилиб, амалдаги ўқув режалари таркибига киритилиб, ўқитилиши йўлга қўйилди. Шунга мос равишда институтда Халқаро бухгалтерия ҳисоби, Аудитнинг халқаро стандартлари, Бюджет ҳисобининг халқаро стандартлари ва Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари каби фанлардан ўқув адабиётлари яратилди. Бухгалтерия ҳисоби, аудит соҳаси бўйича малакали кадрлар тайёрлашда тўлиқ халқаро тажриба атрофлича ўзлаштирилди”.

Марпатов (2018) фикрига кўра, жаҳон олимлари томонидан Стандартлар, Бухгалтерия ҳисобининг назарий асосларини ёритиши, Стандартлар тўплами эса бухгалтерия ҳисоби асосларидир, деб изоҳ бериш одат тусига айланган. Масалан, АКШ олимлари Стандартлар молиявий ҳисоботни тузиш қоидалари бўлиб, умумқабул қилинган тамойилларни акс эттиради, деб ҳисоблашса, Алан Пиззей (Россия Федерацияси Бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш халқаро маркази) молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилиш учун ишлатиладиган норма ёки стандартлар Бухгалтерия ҳисоби Стандартларидир, деб хулоса берган. Кўриниб турибдики, олимлар ўртасида “Бухгалтерия ҳисоби Стандартлари”нинг моҳиятини ёритиш бўйича жиддий зиддиятлар мавжуд эмас.

Хидирова (2021): “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ривожланиб бораётган давлатларнинг олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади”.

Тадқиқот методологияси

Мақолада илмий мушоҳада, анализ ва синтез усулларида самарали фойдаланилган. Шунингдек, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишда ва уни амалиётга тадбиқ этиш жараёнидаги иқтисодчи олимлар ва соҳа мутахассисларининг илмий-назарий қарашлари илмий абстракциялаш методи ёрдамида ўрганилди ва таҳлил қилинди. МҲХС нинг аҳамияти ва унинг мамлакат учун зарурияти, Глобал пандемия шароитига қарамадан Молиявий барқарорлик форуми (Financial Stability Forum) томонидан жаҳон иқтисодиётининг барқарор фаолият юритиши учун зарур бўлган 12 глобал стандартнинг бири сифатида тан олинган МҲХСнинг стандартларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Жаҳон олимларининг иқтисодий изланишлари натижасида қарор топган хулосаларга асосан, муайян мамлакат молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш ва унинг тамойиллари шаклланишига қуйидаги умумий омиллар таъсир ўтказади:

- асосий фойдаланувчилар ҳисобланган кредитор ва инвесторларнинг хусусиятлари;
- капитални инвестиция қилиш жараёнига жалб қилинган юридик ва жисмоний шахслар сони;
- фонд ва бошқа молиявий бозорларнинг ривожланиш даражаси;
- халқаро бизнесда иштирок этиш даражаси.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда турли даражада тадбиркорлик субъектлари сони деярли 500 минг тани ташкил этмоқда, уларнинг сонини ортиб бориши ўз навбатида, амалиётчи бухгалтерларга бўлган талаб ҳажмининг ҳам ортишига сабаб бўлмоқда (айнан халқаро сертификатга эга бўлган). Ушбу тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми савдо (132.1 минг), саноат (83,5 минг) ҳамда қурилиш (40,9 минг) соҳаларига тўғри келади (1-жадвал маълумотлари).

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, сўнгги беш йилда мамлакатимиздаги корхоналар сони икки баравардан кўпроққа ортган. Ушбу ҳолат юртимиздаги иқтисодий ўзгаришларни баҳолаш учун энг яхши индикаторлардан бири сифатида гавдаланади.

Тадбиркорлик субъектлари сонининг бундай кескин ортиши “Янги Ўзбекистон”нинг улкан ижобий иқтисодий кўрсаткичи ҳисобланиб, ушбу ўсиш аҳолининг тадбиркорликка қизиқиш ва фуқароларимиздаги иқтисодий фаолликнинг ортиши ҳамда юртимизда тадбиркорлик хоҳиши ва иқтисодий саводхонлиги юқори бўлган ёш ишбилармон авлоднинг улғайиб келаётгани билан баҳолаш мумкин.

1-жадвал

Республикада сўнгги беш йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича корхоналар ва ташкилотлар сони динамикаси

Йиллар:	2017	2018	2019	2020	2021
Жами	210594	229666	262930	398133	475197
шу жумладан:					
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	17962	20530	23975	29379	41321
саноат	42847	48566	56233	70576	83539
қурилиш	21790	23807	28955	36199	40950
савдо	61214	62714	70457	101081	132192
ташиш ва сақлаш	10631	11779	13121	15360	17301
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	15293	16964	19656	25636	30111
ахборот ва алоқа	6201	6167	6738	7901	9517

соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	3709	4417	5364	7903	9145
бошқа турлари	30947	34722	38431	104098	111121

Шунингдек, сўнги йилларда тадбиркорлик фаолиятига аралашувларнинг камайгани, яъни корхоналар молия-хўжалик фаолиятидаги режали текширишларга мораторий эълон қилиб келинаётгани, солиқ юкининг камайиши корхоналар сонининг ортишига хизмат қилмоқда. Шунингдек ҳудудларда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг сезиларли яхшиланиши, аҳоли сонинг барқарор ортиб бораётгани, меҳнатга лаёқатли ёшларнинг умумий аҳоли сонидagi улуши барқарор сақланиб қолаётгани, нақд пул ва нақдсиз пул қийматидаги кўзбўямачиликка асосланган қиймат фарқининг йўқ қилинганлиги ва албатта 2017 йилнинг сентябрида валюта конвертацияси билан боғлиқ тартиб-таомилнинг узоқ кутилган либерализатсия қилиниши ҳам иқтисодий фаолликка улкан ҳисса қўшмоқда.

Эндиги вазифа Ўзбекистонга хорижий тўғридан тўғри инвесторларни янада кўпроқ жалб қилиш, улар учун юртимизни янги “Элдорадо”га айлантириш, бунинг натижасида иқтисодиётни янада либерализациялаш ва янги саноат ҳамда иқтисодий ғояларни мамлакатимизга кириб келишини ошириш ҳисобланади. Албатта бунинг учун энг аввало, юртимизда хорижий инвесторларни ўз корхоналари ҳақидаги ўзлари учун тушунарли молиявий маълумотлар билан таъминлаш даркор. Бунга фақат дунёда “бизнес тили”га айланган Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини мамлакатимиздаги хўжалик субъектлари фаолиятига тезроқ кенг жорий этиш орқалигина эришилади. Бироқ ҳозирги пайтда мавжуд талабни Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича халқаро сертификатга эга бухгалтер мутахассислар билан таъминлаш аъло даражада амалга оширилмоқда, деб бўлмайди.

Фикримизча, мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини кенг жорий қилишда қуйидаги мураккабликлар ва муаммолар кузатилмоқда:

Кадрлар тайёрлашдаги мураккабликлар. Бизнингча, ушбу муаммо молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишдаги энг асосий муаммо ҳисобланади. Бирор бир соҳада мутахассис тайёрлаш учун энг аввало, ушбу мутахассисларни ўқитувчи кадрларнинг мавжудлиги ва сифати асосий шарт ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли қарорига асосан акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари, давлат улуши бўлган корхоналар ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисобининг юритилиши ҳамда 2021 йил якунидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаши белгиланган.

Бироқ сўнги бир йилда Молия вазирлиги бошчилигида қилинган ишларга қарамасдан ҳозирги пайтда шу нарса маълум бўлмоқдаки, соҳада халқаро сертификатга эга мутахассислар талаб даражаси етишиб чиқмади, улар сони бозордаги мавжуд талабни қондирадиган даражада етарли эмас. Бунга сабаб сифатида ўқитадиганнинг педагогларнинг камлиги, борлари ҳам ўзлари учун молиявий қулай шартларда йирик корхоналарда ишлаётгани ва дарс ўтишни хоҳламаслиги, МХХС мураккаб билимлар тизими эканлиги ва уни ўқиб - ўрганишнинг қийинлиги сабаб ҳисобланади. Бундан ташқари мамлакатимизда сўнги йилларда солиқ ва ҳисоб тизимидаги мавжуд қонунчиликнинг ўзгарувчанлиги, хусусан электрон ҳужжат айланиши ва онлайн касса тизими йўлга қўйилганлиги бухгалтерлар диққатини банд қилиб қўйди ҳамда МХХСларини ўрганишга эътибор қаратишда имкониятларни чеклади.

Хорижий тил билан боғлиқ муаммолар. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, республикаимизда миллий стандартлар бўйича тажрибали бухгалтер асосан, халқаро стандартларни ҳам миллий стандарт каби тушунишга ҳаракат қилади, яъни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ҳам қийинчиликсиз ўрганадан, деб ўйлаши мумкин. Тўғри юқорида таъкидлаганимиздек, Молия вазирлиги ҳозиргача 41 та МХХСни расмий давлат ўзбек тилига таржимасини амалга оширди (лойиҳасини эълон қилди), шундай бўлсада МХХС ҳақида чуқурроқ билимга ва амалий кўникмага эга бўлиш учун инглиз ёки рус тилини яхши билишни талаб этади.

Келгусида “Ҳисобварақлар” режасидан фойдаланиладими ёки йўқми бунга аниқлик киритилмаганлиги. Агар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини давлат тилига расмий таржима қилиш битта муҳим вазифа ҳисобланса, халқаро стандарт қоидаларига асосан қандай счётлар тизими бўлишини белгилаб олиш яна бир муҳим вазифа ҳисобланади. Бутун умр миллий стандартлар бўйича счётлар режасига асосланиб ишлаётган бухгалтерлар учун халқаро стандартларга асосан муайян счётлар режасининг мавжуд бўлиши шарт эмаслиги, юмшоқ қилиб айтганда, саросимага тушуриб қўймоқда ва халқаро стандартларга ўтиш бўйича эътирозларни келтириб чиқармоқда. Бу борада Президентнинг ПҚ-4611-сонли қарорнинг 3-банди ва “Йўл харитаси”нинг тегишли бандлари бажарилмай қолмоқда.

Солиқ қонунчилигидаги номуносивликлар. Барчамизга маълумки, мамлакатимизда 2020 йил 1 январдан бошлаб янги таҳрирдаги Солиқ кодекси амалга киритилди. Бироқ Солиқ кодекси қисмларида айниқса, фойда солиғи бўйича кечиктирилган даромадлар ва харажатларни тан олиш юзасидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қоидаларига нисбатан номуофиқликлар ва тушунарсизликлар мавжуд. Солиқ хизмати органлари эса ушбу номуофиқликларни ва тушунарсизликларни ечиш бўйича фаол иш олиб борапти, деб бўлмади.

Адабиётларнинг етишмаслиги. Ҳозирги пайтда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар қоидаларини ёритувчи ва уларни амалий мисолларда тушунтириб берувчи давлат тилидаги адабиётлар деярли йўқ. Рус ва инглиз

тилидаги адабиётлар эса мамлакатимизда тақчил ва қиммат. Шунингдек, соҳанинг назариётчи олимлари ва амалиётчилари томонидан МҲХС қўллаш (соҳа ва тармоқлар хусусиятини инобатга олган ҳолда) бўйича услубий қўлланмаларни яратилиши, нафақат амалиётда балки, Олий таълим жараёнида ҳам талабаларни МҲХС талаблари бўйича билим олиш имкониятини беради;

Коронавирус пандемияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сонли қарори 2020 йил 24 февралда эълон қилинган бўлса, орадан ҳеч қанча кун ўтмай бутун дунёда ва мамлакатимизда коронавирус пандемияси бошланди ва давом этиб келмоқда. Афсуски, шундай муҳим қарор вазифаларини тўлақонли амалга ошириш мутлақо қутилмаган тарзда мураккаб даврга тўғри келиб қолди ва соҳа мутахассислари вазифаларини қийинлаштириб юборди.

Дастурий маҳсулларни ишлаб чиқарувчиларнинг нофаоллиги. Маълумки, бугунги кунда бухгалтерия ҳисоби соҳасини дастурий маҳсулларсиз, хусусан “1С бухгалтерия” дастурисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ушбу дастур бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида корхоналар ҳисоб тизимини автоматлаштириш имконини беради ва ҳозирги пайтда мамлакатимизда жуда кенг оммалашган. Юртимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари кенг жорий қилиниши бўйича ишлар олиб борилаётганига қарамасдан “1С бухгалтерия” дастурини қўллаб қувватловчи тадбиркорлик субъектлари дастурни халқаро стандарт қоидаларига мослаштириш ишларини олиб бораётгани сезилмаяпти. Бунга балки бозордаги бундай маҳсулотга талаб ҳажмининг мавҳум эканлиги ва ишлаб чиқарувчилар бу лойиҳанинг рентабеллигига шубҳа билан қараётганлиги сабаб бўлиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридаги муаммолар қанчалик мураккаб бўлмасин, молиявий ҳисоб бўйича мамлакатимиздаги бутун соҳа мутахассислари катта меҳнат эвазига халқаро стандарт қоидаларини кенг жорий қила олишади. Бизнинг фикримизча, бу йўлда қуйидаги ишларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади:

Биринчи, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш учун жуда қисқа вақт белгилаб олинган. Шунинг учун, фикримизча молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини кенг жорий қилиш муддатини қайта кўриб чиқиш керак ва уни биринчи марта қўллашнинг охириги муддатини 2025-йил 1 январда бошланадиган молиявий йил қилиб белгилаб олиш зарур.

Иккинчи, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича кадрлар тайёрлаш тизими самарадорлигини ошириш зарур. Халқаро стандартлар бўйича кадрлар тайёрлар ва уларни сертификатлаш кўп маблағ, куч ҳамда вақт талаб қиладиган жараён ҳисобланади. Бу йўлда энг аввало юртимизда етакчи олий таълим муассасалари соҳа профессор-ўқитувчиларини ўқитиш

зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу ишлар талабалар таътилда бўлган вақтда - ёз ойларида ва йил давомида кечки дарсларни ташкил қилиш орқали амалга ошириш мумкин.

Учинчи, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини тезроқ давлат тилига расмий таржима қилиш ва эълон қилиш керак. Гарчи АССА ва DipIFR каби халқаро сертификатлар хорижий тилларда олинсада, мамлакатимизда халқаро стандартларнинг кенг қўлланилиши учун энг аввало, улар давлат тилида расмий таржима қилиниши зарур. Шундан кейингина бошқа ишлар, хусусан, амалий мисоллар тушунтирилган сифатли адабиётлар яратиш ҳақида гапириш мумкин. Хорижий тилларда яратилган адабиётларни муаллифлик ҳуқуқи қоидаларига риоя қилган ҳолда ўзбек тилига таржима қилиб, кенг чоп этишни молиявий рағбатлантириш, бу йўлда грандлар эълон қилиш ҳам халқаро стандартларни кенг ўқитишда ёрдам бериши мумкин. Бундан ташқари халқаро стандарт қоидаларига асосан қандай сётлар тизими бўлишига ҳам иложи борича тезроқ ойдинлик киритилиши зарур.

Тўртинчи, солиқ қонунчилигимизда қоидаларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қоидаларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказилиши, зарур ҳолатда тушунарсизликларга изоҳлар берилиши ҳамда карама-қаршилиқлар бартараф этилиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларида тузилаётган молиявий ҳисоботларда солиқ қоидаларини таъсири камайтириш натижасида, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қоидалари асосида шаффоф маълумотларни олиш таъминланади, натижада бу хорижий инвестицияларни жалб этишда муҳим роль ўйнайди.

Хулоса қилиб таъкидланганда, Янги Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га мувофиқлаштириб борилиши, Юртбошимизнинг таъбири билан айтганда “Учинчи Ренессанс”га муҳим пойдевор бўлиб ҳизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi PQ-4611-son qarori. 2020 yil 24 fevral.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Auditorlarni sertifikatlash tizimini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi PQ-5210-son qarori. 2021 yil 4 avgust.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Oliy va o‘rta maxsus ta’lim sohasida boshqaruvni isloh qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5763-son qarori. 2019 yil 11 iyul.
4. O‘zbekiston Respublikasining “Ilm-fan va ilmiy faoliyat to‘g‘risida”gi Qonuni. 2019 yil 29 oktyabr'. O‘RQ-576-son.

5. Prezident Sh.Mirziyoev raisligida Oliy ta'lim tizimidagi ustuvor vazifalarga bag'ishlangan videosektor yig'ilishi. 2021 yil. 16 iyun'. <https://president.uz/uz/lists/view/4424>

6. “Ilmiy-tadqiqot ishlari natijadorligini yanada oshirish, yoshlarni ilmiy faoliyatga keng jalb etish, ilm-fanning innovasion infratuzilmasini shakllantirish yuzasidan 2020 yil hisoboti”. TMI-2020.

7. “Toshkent moliya institutida 2021 yilda amalga oshiriladigan ilmiy va innovasion tadqiqot ishlari rejasi”. TMI., 2021.

8. Karimov A., Qo'ziev I., Rahimov M. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari. Unga moslashish yo'lida qanday chora-tadbirlar ko'zda tutilgan? “Xalq so'zi” gazetasi. 2020.

9. Rizaev N., Ismatxo'jaeva I. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida banklarida hisob siyosatini takomillashtirish. “Logistika va iqtisodiyot”. elektron-ilmiy jurnali. Toshkent, №1. 2020.

10. Rizaev N., Ibragimov A. Moliyaviy hisobot va pandemiya (COVID-19). “Moliya va bank ishi” elektron-ilmiy jurnali. Toshkent, №2. 2020.

11. Rizaev N., Hotamov K. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini joriy etishda Yaponiya tajribasi. “Moliya va bank ishi” elektron-ilmiy jurnali. Toshkent, №1. 2020.

12. Rizaev N., Isaev F. Buxgalteriya hisobi milliy standartlarini (BHMS) moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga (MHXS) uyg'unlashtirish masalalari. “Logistika va iqtisodiyot” elektron-ilmiy jurnali. Toshkent, №4. 2020.

13. Tashnazarov S.N. “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari va ularga o'tish zaruriyati”. “Iqtisod va moliya”. 2016 yil. 1-son

14. Xidirova B. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari joriy qilinadi. “Yangi O'zbekiston” gazetasi. 21.05.2021.

15. Rizaev. N.K. INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS IN THE AGRICULTURAL SECTOR AND THEIR INTRODUCTION TO THE PRACTICE OF UZBEKISTAN. Iqtisodiyot va innovasion texnologiyalar, 2021 yil 2-son.